




Энг яхши таклифларни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: "Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Ўзбекистон ва Туркменистон Республикаларида жойлашган Маъмурий бинолар, омборхоналар, автогаражлар ва дамбаларда лератизация хизматларини бажариш.

1.2. Танлов қиймати 48 960 000 (Қирк саккиз миллион туккиз юз олтмиш минг) сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда ялова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача.

1.5. Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади)

-танлав ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Муҳаббат маҳалласи. Эл.адрес:

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси - "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: - танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, солиқ идораларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ёки хизмат кўрсатувчи банкда инкассатар ва ҳар хил турдаги қарздорликлари йўқлиги тўғрисида банк маълумотномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларидан, малакавий ишчиларнинг ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукукий лаёҳат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшап объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- фаолияти давомида камида 3 талан ортиқ ташкилотларида фаолият олиб бorganлиги;

- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-бугунги кунгача жами айланма маблағлари тўғрисидаги банк маълумоти йиллик солиқ ҳисоботларида асосий воситаларидан (эксковатор, юк автомобилли ва бошқалар) нинг мавжудлиги, молиявий натижалари ва йиллик баланс ҳисоботидан нусхалар тақдим этиши лозим;

Питом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта таъкил этилиш (ажратилиши, қўйилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита таъкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар, ҳамда ушбу ҳужжатнинг 3.2 бандига мос келмаган иштирокчилар.

4. ТАЊЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ.

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (elender.uzex.uz) порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришга лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишлари тўғрисидаги ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддати барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги Қарор махсус ахборот порталда жойлаштирилиши лозим.

6. ТАМОНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда толиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Толиб иштироки деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида уш кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утказини туғрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бош иқтисодчи :



А.Мақарипов

ТЕХНИК ҚИСМ

Белгиланган график асосида ҳар ойда дератизация қилиш.

Кўрсатилган товар (хизмат)нинг сони, ҳажми ва хусусияти (талаблари).

Маҳсулот етказиб бериш (ишларни бажариш) Иштирокчи томонидан Танлов хужжатларининг техник қисми, 1-илоvasида кўрсатилган «Техник таълиқ» (кейинги ўринда - ТТ деб юритилади) талабларига мувофиқ амалга оширилиши талаб қилинади.

№	Хизмат тури	ўл. бир	Сони	Хусусияти
1	Дератизация	Кв.м	144 000	Кемирувчиларга қарши дори воситалари билан қуралиши

Усул ва етказиб бериш муддати (ёки жадвали), бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар.

Етказиб бериш (ишларни бажариш) тартиби шартнома имзоланганидан сўнг белгиланган график асосида амалга оширилади. Шартнома 12 ой муддатга тузилади

Маҳсулот нархи бўйича

№	Хизмат тури	ўл.бир	Сони	Баҳоси	Суммаси
1	Дератизация	Кв.м	144 000	340	48 960 000
	Жами				48 960 000

Танловга ҳавола этилган нархлар таклиф қилинган нархдан оширилмаслиги керак ва кейинчалик ўзгартирилмайди.

Иштирокчи томонидан, маҳсулот нархлари ҚҚС билан ва ҚҚС сиз тақдим этилади.

Таклиф қилинаётган нархлар ва нархлар жадвали Иштирокчи томонидан Танлов хужжатларининг нархлар қисмида келтирилган 6-форма га асосан тақдим қилинади.

Иштирокчи томонидан, маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) бирлигининг нархлари кўрсатилиши шарт.

Агар Буюртмачи томонидан нарх шаклланиш жадвали тақдим этилган ҳолда, Иштирокчи томонидан тулдирилган жадвал электрон кўринишда тақдим этилиши шарт. Барча нарх шаклланишидаги формулалар кузатилиши имкони ва нархларни таркибий қисмлари шаффоф ва тушунарли бўлиши лозим яширин формулалар ёки нархлар шаклланишидан фойдаланмаслик лозим. Буюртмачи, Иштирокчи томонидан асосий нарх таклифига ҳар қандай қўшимча ёки муқобил нарх таклифларини кўриб чиқмаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Тахминий нарх	48 960 000 (Кирк саккиз миллион тўққиз юз олтимиш минг) сўм
Молиялаштириш манбаи	Бюджет ҳисобидна
Тўлов шартлари ва тўлов тартиби	Олдинда 30 % аванс берилади. Қолган хизмат кўрсатилгандан кейин ҳисоб варақ фактурага асосан
Тўлов валютаси	Сўм
Хизмат кўрсатиш вақти	12 ой давомида кўрсатилади.
Хизмат кўрсатиш жойи	Тўямчиин гидроузелининг барча объектлари
Танлов шарт шартномаларнинг тақдим этиш муддати	5 кун